

O'zbekiston Respublikasi qurilish tarmog'ini modernizasiya qilish, jadal va innovation rivojlantirishning 2021 – 2025 yillarga mo'ljallangan strategiyasini amalga oshirish bo'yicha "YO'L XARITASI".

| T/p | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|--|---|--|---|
| Худудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ҳамда ушбу жараёнда жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш | | | | |
| 1. | Республика худудида жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиши. | 1. Жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш учун етакчи, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиши. 2. Жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш бўйича республика ишчи гуруҳини тузиш. 3. Лойиҳани 2022 йилги Инвестиция дастурига киритиш бўйича таклифлар киритиши. 4. Жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқишконцепцияси, лойиҳалаштиришга топшириклар, бошланғич-руҳсат бериш хужжатларини тайёрлаш, муҳандислик-техник кидиувларни ўтказиши. 5. Жойлаштиришнинг бош схемаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда вазирлик ва идоралар билан келишиши. 6. Жойлаштиришнинг бош схемаси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиши. | 2021 йил июнь 2021 йил июль 2021 йил сентябрь 2022 йил апрель 2023 йил июнь 2023 йил июль | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кўдратов), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини ишлаб чиқиши. | 1. Худудларни режалаштириш схемаларини ишлаб чиқиш учун етакчи, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиши. 2. Худудларни режалаштириш схемаларини ишлаб чиқиш бўйича республика ишчи гуруҳини тузиш. 3. Лойиҳани 2023 йилги Инвестиция дастурига киритиш бўйича таклифлар киритиши. 4. Худудларни режалаштириш схемаларини ишлаб чиқишконцепцияси, лойиҳалаштиришга топшириклар, бошланғич-руҳсат бериш хужжатларини тайёрлаш, муҳандислик-техник кидиувларни ўтказиши. | 2022 йил декабрь 2023 йил январь 2023 йил март 2023 йил сентябрь | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кўдратов), манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|----|--|--|---|--|
| | | 5. Худудларни режалаштириш схемалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 6. Худудларни режалаштириш схемалари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиши. | 2025 йил март 2025 йил апрель | |
| 3. | Худудий «Дизайн-код»ни жорий этиши. | 1. «Дизайн-код»дан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш. 2. Республика худудлари шаҳарсозлигининг маҳаллий хусусиятларини ўрганиш. 3. «Дизайн-код»ни кўллаш бўйича тавсиявий норматив хужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. | 2021 йил май 2021 йил ноябрь 2022 йил июль | Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 4. | Шаҳар муҳитини математик (3D) моделлаштириш бўйича стандартлар мажмuinи жорий этган холда «Ақлии шаҳар» технологиялари элементларидан фойдаланиш. | 1. Шаҳар муҳитини математик (3D) моделлаштириш бўйича стандартлар мажмuinи ишлаб чиқиши. 2. Шаҳар муҳитини математик (3D) моделлаштириш бўйича стандартларни қабул қилиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиши. | 2021 йил июнь 2021 йил декабрь | Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиков</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 5. | Аҳоли пунктларининг бош режаларига оммавий хужжат мақомини бериш. | 1. «Шафроф қурилиш» МАТ доирасида тегишли ахборот порталини яратиш. 2. Портални Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. 3. Аҳоли пунктларининг бош режалари ахборот порталаида жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ахборотненг ёритиши. 4. Аҳоли пунктларининг бош режаларини жамоатчилик иштирокида тизимли равища мухокама қилиш. | 2021 йил август 2021 йил декабрь 2022 йил март Доимий равища | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>) |
| 6. | 2025 йилга бориб шаҳарларни бош режалар билан тўлиқ, | 1. Республика шаҳарларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган дастур доирасида | 2021-2022 йиллар | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишиметов</i>), |

| | | | | |
|----|---|---|---|---|
| | шахар қишлоқларини 25 фоизгача қамраб олиш. | шахарлар ва шахар қишлоқларининг 18 та бош режаси ишлаб чиқилишини таъминлаш. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳудудларни ривожлантириши режалаштириш ва қуришга доир шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. | 2022 йил август | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 7. | Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ва қўллашнинг Ягона стандартларини яратиш. | 1. Курилиш ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари, лойиҳа ташкилотлари ходимлари орасидан ишчи гуруҳи тузиш. 2. Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ва қўллашнинг Ягона стандартларини ишлаб чиқиш. 3. Ягона стандартларни та?диклаш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда Вазирлар Махкамасига киритиш. | 2021 йил март 2021 йил декабрь 2022 йил май | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 8. | Шаҳарни режалаштириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш. | Қўйидагиларни назарда тутувчи шаҳарни режалаштириш соҳасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш: худудларнинг бош режаларини ишлаб чиқишига жалб қилинган Курилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, шунингдек, лойиҳа ташкилотлари мутахассисларидан иборат таркибда ишчи гуруҳини ташкил этиш; хизмат сафарлари жадвалини тузиш орқали чет эл тажрибасини ўрганишни ташкиллаштириш; мутахассисларнинг малакасини ошириш тадбирларини (маърузалар, семинарлар, | 2021 йил февраль | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|--|---|--|---|--|
| | | <p>тренинглар ва ҳоказо) ўтказиш учун шаҳарларни режалаштириш соҳасидаги етакчи хорижий мутахассисларни жалб қилиш;</p> <p>хар бир хизмат сафари ва (ёки) малака ошириш тадбирларининг якуни бўйича шаҳарни режалаштириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш ҳамда Қурилиш вазирлиги ҳайъатида қўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун киритиш;</p> <p>Вазирлар Махкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясига таклифларни киритиш.</p> | | |
| II. Шаҳарсозлик фаолияти сифати ва хавфсизлигини ошириш | | | | |
| 9. | Техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий хужжатларни геология, табиий-иклим, сейсмология ва бошқа хусусиятларни инобатта олган холда хорижий норматив хужжатлар билан уйғулаштириш. | <p>1. Хорижий компанияни жалб қилиш.</p> <p>2. Техник топшириқларни келишиш, шартномалар тузиш.</p> <p>3. Жалб қилинган хорижий компания билан биргаликда техник тартибга солиш соҳасидаги миллий хужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда халқаро норматив хужжатлар билан солишириш.</p> <p>4. Халқаро меъёрларни техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий нормативларга имплементация қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш.</p> <p>5. Техник тартибга солиш соҳасидаги янгиланган миллий хужжатларни тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>6. Янгиланган норматив базани яратиш.</p> | <p>2021 йил январь</p> <p>2021 йил февраль</p> <p>2024 йил октябрь (доимий асосда)</p> <p>2024 йил октябрь</p> <p>2024 йил декабрь</p> <p>2025 йил давомида</p> | Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатларни ислоҳ қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А. Раматов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 10. | Бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги ва энергия тежамкорлиги, объектнинг ҳаётий даври мобайнида инновацион технологияларни қўллаш бўйича мавжуд амалиётни таҳлил қилиш; | 1. Республикамизда ва хорижий мамлакатларда бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги ва энергия тежамкорлиги, объектнинг ҳаётий даври мобайнида инновацион технологияларни қўллаш бўйича мавжуд амалиётни таҳлил қилиш; | 2021 йил май | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) Энергетика вазирлиги (А. Султонов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджисабаев) Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (Б. Гулямов) Экология ва |

| | | | | |
|-----|---|--|--|---|
| | инновацион технологияларни кўллашга қаратилган техник жиҳатидан тартибга солишга доир миллий норматив хужжатларни ишлаб чиқиш | 2. Бино ва иншоотларнинг, шу жумладан табиий ва техноген характердаги фавқулодда ҳолатлардаги хавфсизлигига (ёнғин, механика, экология ва бошқа) доир талабларни ўз ичига олувчи бино ва иншоотлар хавфсизлиги ва энергия тежамкорлиги бўйича норматив хукуқий хужжатни ишлаб чиқиш, келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2021 йил ноябрь | атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (A. Максудов) «Ўзстандарт» Агентлиги (Д. Саттаров) |
| 11. | Бино ва иншоотларнинг курилиш конструкциялари, алоҳида конструктив элементларнинг техник ҳолатини «бузмайдиган» усул билан мониторинг қилиш тизимларини жорий этиш. | 1. Бино ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари, алоҳида конструктив элементларнинг техник ҳолатини «бузмайдиган» усул билан мониторинг қилиш тизимларини кўллаш бўйича ҳалқаро тажрибани ўрганиш. 2. Бино ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари техник ҳолатини мониторинг қилиш тизимларини жорий этиш бўйича техник нормативлар ва стандартларни ишлаб чиқиш. 3. Бино ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари техник ҳолатини мониторинг қилиш тизимларидан фойдаланган ҳолда лойиха ечимларини қўллаш масалаларини лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш амалиётига жорий этиш. | 2021 йил май 2022 йил январь Доимий равища | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) |
| 12. | Шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар, шу жумладан хорижий норматив хужжатлар, илмий-техник кутубхонасини ташкил қилиш. | 1. Илмий-техник кутубхонани жойлаштириш масаласини ишлаб чиқиш. 2. Шаҳарсозлик фаолиятини техник тартибга солиш соҳасидаги миллий ва хорижий илмий-техник адабиётлар рўйхатини шакллантириш. 3. Илмий-техник адабиётларни сотиб олишни молиялаштириш масаласини ишлаб чиқиш. 4. Миллий ва хорижий илмий-техник адабиётлар кутубхонаси фондини шакллантириш. | 2021 йил июль 2022 йил апрель 2022 йил октябрь 2023-2024 йиллар | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ишиметов), манбаатдор вазирлик ва идоралар |
| 13. | Лойиҳа-қидирув ёки қурилиш фаолиятига сугурта қилиш | 1. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш фаолиятида сугурта қилишни қўллашнинг энг яхши ҳалқаро тажрибасини ўрганиш. | 2021 йил апрель | Молия вазирлиги (Т. Ишиметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни |

| | | | | |
|-----|---|--|--|--|
| | тамойилларини жорий этиш. | 2. Тахлилий маълумотнома тайёрлаш ҳамда аниқ таклифларни Вазирлар Махкамасига киритиш. | 2021 йил май | қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>) |
| 14. | Давлат хизматларини ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари, лойиха ҳужжатлар экспертизаси, шунингдек, курилиш соҳасидаги назорат билан шуғулланувчи ваколатли органлар ва ташкилотларнинг ходимларини даврий аттестациядан ўтказиш тизимини жорий этиш. | 1. Курилиш обьектларининг хавфлилик тоифаларига қараб аттестациядан ўтказишига нисбатан табакалаштирилган талабларни ишлаб чиқиш. 2. Тизимли равишда, икки йилда камиди бир марта аттестациядан ўтказиши амалиётга жорий этиш. 3. Ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимларининг ягона реестрини тузиш ва юритиш. | 2021 йил октябрь 2022 йилдан бошлиб биринчи аттестациядан сўнг, доимий равишда | Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 15. | Етакчи халқаро архитекторлар ва лойиҳачиларни жалб қилган холда тренинглар, семинарлар, маҳорат дарслари, ўкув курсларини ташкилаштириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларни, жумладан Ўзбекистон архитекторлар кенгаси ва Ўзбекистон муҳандис-консультантлар уюшмасининг ролини ошириш. | Тренинглар, семинарлар, маҳорат дарслари, ўкув курсларини ташкил этиш учун етакчи халқаро архитекторлар ва лойиҳачиларни жалб қилиш бўйича 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2021 йил май | Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>) Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси (<i>A. Тоҳтаев</i>), Ўзбекистон Муҳандислар-консультантлар уюшмаси (<i>A. Халматов</i>) |
| 16. | Лойиҳа ва пудрат ишига «устоз — шогирд» тамойилларини татбик қилиш. | 1. Устозлар томонидан ёш архитекторлар, лойиҳачилар ва қурувчиларнинг ишларига тақриз бериш тартибини жорий этишни назарда тутувчи устозлик тамойилларидан фойдаланиш бўйича | 2022 йил январь | Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси (<i>A. Тоҳтаев</i>), Ўзбекистон Муҳандислар-консультантлар уюшмаси (<i>A. Халматов</i>) |

| | | | | |
|-----|--|---|----------------------------------|--|
| | | услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Устозликнинг моҳиятини тушунтириш учун лойиҳа ва курилиш пудрат ташкилотлари иштирокида тематик семинарлар ўтказиш. | 2022 йил I ярим йиллик | |
| 17. | Маҳаллий дастурчилар томонидан лойиҳалаштириш ва курилиш ишлаб чиқаришини бошқариш соҳасида рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича танловлар ўтказиш. | 1. Етакчи IT-мутахассислар ва пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда танловларни ўтказиш бўйича ишчи грухҳи тузиш. 2. Маҳаллий дастурчилар томонидан дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича танловлар ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2021 йил март 2021 йил ноябрь | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), лойиҳа ташкилотлари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчилари |
| 18. | Халқаро меҳнат ташкилотининг Курилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сон Конвенциясига (Женева, 1988 йил 20 июнь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш ва унинг натижаларига кўра асосли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши; | 1. Халқаро меҳнат ташкилотининг Курилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сон Конвенциясига (Женева, 1988 йил 20 июнь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш ва унинг натижаларига кўра асосли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши; | 2021 йил июнь | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов) Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджисаев), Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (Б. Гулямов), Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (К. Рафиков), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 19. | Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг (ISSA) концепциясини жорий этишга асосланган «Курилиш майдончаларида жароҳатланишга барҳам бериш» дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи грухҳи тузиш. | 1. «Курилиш майдончаларида жароҳатланишга барҳам бериш» дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи грухҳи тузиш. 2. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Курилиш майдончаларида жароҳатланишга барҳам бериш» дастурини қабул қилиш бўйича норматив-хукукий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш: | 2021 йил май 2022 йил март | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (Б. Гулямов), Электр энергетикада назорат инспекцияси (У. Эгамбердиев), Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (К. Рафиков), Савдо-саноат палатаси (А. |

| | | | | |
|-----|--|---|------------------------|---|
| | <p>бериш» дастурини қабул қилиш.</p> | <p>курилиш тармогининг барча ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассис лавозими киритиш;</p> <p>соҳага малакали кадрлар, муҳандислар ва техник мутахассисларни жалб қилиш, иш жойларида хавфсизлик ва гигиена масалалари бўйича ходимлар, ишлаб чиқариш ходимлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва билимларини текширишни ташкил этиш;</p> <p>курилиш майдончаларида потенциал таҳдидларни аниқлаш, касбий хавф-хатарларни баҳолаш, назорат қилиш ва бошқаришни ўз ичига оловчи Мехнат хавфсизлиги стандартлари тизимига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими, ISO : 45001 халқаро стандарти қурилиш тармоғи обьектларида жорий этилишини таъминлаш.</p> | | <p><i>Икрамов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</i></p> |
| 20. | <p>Иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликка риоя қилиш масалаларида ходимларнинг иштирок этиши орқали кадрларга инвестиция қилиш, уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш.</p> | <p>Куйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш:</p> <p>иш жойларида хавфсизлик ва гигиена талабларига риоя қилиш масалаларида ходимларнинг иштирок этиши орқали мотивация тадбирларини ўтказиш;</p> <p>Халқаро меҳнатни муҳофаза қилиш куни — 28 апрелда фаҳрий ёрликлар, кўкрак нишонлари, мукофотлар, сувенирлар, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар топширган ҳолда «Мехнат муҳофазасида фаол, илғор ва аъло раҳбар», «Мехнат муҳофазасида фаол, илғор ва аъло мутахассис» номинациялари бўйича танловлар ўтказишни амалиётга киритиш.</p> | <p>2021 йил август</p> | <p>Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (<i>K. Рафиков</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>H. Хусанов</i>), Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (<i>Б. Гулямов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>A. Икрамов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> |

| III. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурӣ тартиб-таомилларнинг самараадорлиги, рационаллиги ва шаффоғлигини таъминлаш, шунингдек, қурилиш тармоғи ташкилотлари фаолиятининг самараадорлигини ошириш | | | | |
|--|---|--|--|---|
| 21. | Тадбиркорлик фаолияти объектларини қуришга ер участкаларини сотиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва хужжатларни тайёрлаш муддатларини қисқартириш. | <p>1. Электрон аукционларни ўтказиш учун хужжатларни тайёрлаш ва келишиш, шу жумладан хужжатларни келишиш муддатларини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Айрим рухсат бериш тартиб-таомиллари ва хужжатларни келишиш муддатларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотнома киритиш.</p> <p>3. Норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> | 2021 йил март 2021 йил ноябрь 2022 йил февраль | Кадастр агентлиги (<i>Х. Турахужсаев</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 22. | «Бизнес юритиши» халқаро индексининг (Doing Business Index) қурилишга рухсатномалар олиш (Dealing with Construction Permits) қисмida Ўзбекистон Республикасининг позициясини яхшилаш. | <p>1. Қурилишга рухсатномалар олиш жараёнини (муддатлар, тартиб-таомиллар сони, қиймат, сифат) тақомиллаштириш қисмida халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Илғор хорижий тажрибани миллий тартиб-таомиллар билан солиши.</p> <p>3. Таклифлар ва чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши.</p> | 2021 йил апрель 2021 йил июль 2021 йил октябрь | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>) манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 23. | Лойиҳа ва пудрат ишлари (хизматлари)нинг хариди жараёнларини ўтказиш тартибини тақомиллаштириш. | <p>Қўйидагиларни назарда тутган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги харид тартиб тамойилларини тақомиллаштириш бўйича қарори лойиҳасини тасдиқлаш:</p> <p>электрон тендер платформасини жорий этиш;</p> <p>харид тартиб-тамойилларига сарфланадиган вақтни икки баравар қисқартириш;</p> <p>электрон рейтингни жорий этиш хисобига танлов (тендер) хужжатларининг умумий ва техник қисмларини баҳолаш тартибини бекор қилиш;</p> | 2021 йил январь | Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Н. Хусанов</i>), Монополияга қарши қурашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Давлат солик қўмитаси (<i>Ш. Кудбиев</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), «Ўзстандарт» агентлиги (<i>Д. Саттаров</i>) |

| | | | | |
|-----|--|--|----------------------------------|--|
| | | намунавий харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлаш. | | |
| 24. | Шаҳарсозлик субъектлари фаолиятидаги лицензиялаш ва рухсатнома тартиб-тамоилларини тубдан такомиллаштириш. | <p>1. Хорижга хизмат сафарларини ташкиллаштириш йўли билан лойиҳа ташкилотларни лицензиялаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;</p> <p>2. Куйидагиларни назарда тутувчи архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш:</p> <p>а) хавфлиликтининг I тоифасидаги обьектлар учун архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини хабарнома юбориш тартибига ўтказиш;</p> <p>б) хавфлиликтининг II, III, IV тоифаларидаги обьектлар учун архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни мажбурий сертификатлашга асосланган ҳолда лицензиялаш тартибини жорий қилиш ва бунда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>билим, тажриба ва иш стажи, лойиҳалаштиришнинг замонавий услублари ва технологияларини қўллаш ва бошқа мезонларни баҳолаш;</p> <p>loyihahalashchitirish ва қурилиш соҳасидаги мутахassislarни qayta attestatsiyadan utkazish (5 yilda kamida bir marsta)acosida ularni davriy serifikatlash;</p> <p>в) лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасидаги сертификatlanGAN mутахassislarning</p> | 2021 йил декабрь 2022 йил май | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|-----|---|---|---|---|
| | <p>маълумотлар базасини шакллантириш, махсус идентификация карталари ва QR-коддан фойдаланган ҳолда уларнинг касбий фаолиятини кузатиб бориш.</p> <p>Курилиш пудрат ташкилотларини курилиш йўналишлари ва тоифалари бўйича, шунингдек, курилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингига боғлаган ҳолда гурухлашни ҳисобга олиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда фаолиятини лицензиялашдан ташқари усуслар билан тартибга солиш мумкин бўлмаган, курилиш-монтаж ишларининг алоҳида турлари билан шуғулланувчи курилиш пудрат ташкилотларини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) курилиш пудрат ташкилотларини лицензиялаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш; б) электрон рейтинг доирасида курилиш пудрат ташкилотларининг фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда курилиш-монтаж ишларининг турлари ва/ёки курилиш обьектларининг хавфлилик тоифалари кесимида лицензиялашга муайян мезонларни кўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш; в) курилиш пудрат ташкилотларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиши. | | | |
| 25. | <p>Кафолат муддати тугагач кафолат суммасини тўлаш миқдорини қайта кўриб чиқиш.</p> | <p>1. Кафолат муддати тугагач обьектларнинг хавфлилик тоифасига қараб кафолат суммасини тўлаш миқдорини аниқлаш бўйича илфор хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, уни тўлаш муддатларини қайта кўриб чиқиш.</p> <p>2. Таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотнома киритиши.</p> | <p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил ноябрь</p> | <p>Молия вазирлиги (<i>Т. Исиметов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Марказий банк (<i>M. Нурмуратов</i>)</p> |

| | | | | |
|-----|--|--|---|---|
| | | 3. Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. | 2022 йил март | |
| 26. | Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишининг «ҳажм» услугини босқичмабосқич жорий этиши ва унинг асосида шаҳарсозлик фаолияти субъектлари (буортматчи, лойиҳачи ва пудратчи) томонидан курилиш-монтаж ишларининг амалга оширилиши. | 1. Хорижий мамлакатларнинг энг яхши тажрибасини ўрганиш, зарур бўлганда, курилишда харид қилиш учун бошланғич қийматни аниқлашни, ўзаро ҳисоб-китобларнинг нарх шаклланишини, ҳисоботларни шакллантириш ва молиялаштиришни таҳлил қилиш учун халқаро консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилиш. 2. Ўрганиш асосида «ресурс» ва «ҳажм» услубларини солиштириш. 3. «Ҳажм» услугини жорий қилишни давом эттириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 4. Марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар доирасида «ҳажм» услугини тажриба-синов тарзида қўллаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши. 5. Инвестиция дастурининг камидаги юзта лойиҳаси бўйича «ҳажм» услугини киритиш. 6. Курилиш обьектларининг умумий сонида «ҳажм» услуги улушини 50 фоизгача етказиш. | 2021 йил сентябрь 2022 йил январь 2021 йил ноябрь 2022 йил мобайнида 2023-2024 йиллар 2025 йил декабрь | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ииметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Қудратов), Транспорт вазирлиги (И. Махкамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов) |
| 27. | «Курилиш материаллари миллий классификатори» электрон платформасини жорий этиши. | 1. Электрон платформани жорий этиши бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан Техник топшириқ ҳамда ваколатли органларнинг ўзаро алоқа қилиши механизмини ишлаб чиқиши. 3. Курилиш материалларига мавжуд стандартларни ва статистик ҳисоботлар шаклларини хатловдан ўтказиш, яратилаётган классификаторнинг тузилиши бўйича таклифлар тайёрлаш. 4. Курилиш материаллари миллий классификаторини, шу жумладан ҳар бирiga индивидуал кодларни берган ҳолда курилиш | 2021 йил февраль 2021 йил июль 2021 йил декабрь 2022 йил июль | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ииметов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), Транспорт вазирлиги (И. Махкамов), Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Саттаров), «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси (А. Баходиров) |

| | | | | |
|-----|--|--|--|--|
| | | материалларининг батафсил техник тавсифларини шакллантириши. 5. Шу жумладан ишлаб чиқарувчилар дислокацияси ва логистика ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган электрон платформани тажрибасинов тарзида ишга тушириш. | 2023 йил февраль | |
| 28. | Курилиш қийматини аниқлашнинг бозор тамойиллари ҳамда буюртмачи, лойихачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларга асосланган муқобил механизмларини параллель равишда ишлаб чиқсан ҳолда лойихаолди ва лойиха хужжатларининг смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишга доир талабларни бекор қилиш. | 1. Бозор тамойиллари ҳамда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачи ва ишлар (хизматлар) ижрочиси ўртасидаги шартномавий муносабатларга асосланган қурилиш қийматини аниқлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши. 2. Курилиш вазирлиги томонидан лойихаолди ва лойиха хужжатлари смета қисмини давлат экспертизасидан ўтказишга доир мажбурий талабларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор лойихасини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиши. | 2022 йил февраль 2022 йил октябрь | Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>) |
| 29. | Давлат ва унга тенглаштирилган молиялаштириш манбалари хисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича курилиш соҳасидаги техник буюртмачилар тизимини хусусий тадбиркорлик субъектларини техник буюртмачи функцияларини амалга | 1. Эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида буюртмачи функцияларини амалга оширувчи хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатини тасдиқлаш бўйича қарор лойихасини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиши. 2. Тошкент шаҳрида қурилиш-монтаж ишлари тугаллангунча ва танлаб олинган объектлар фойдаланишга топширилгунча 10 та лойихани амалга оширишни бошқариш, шу жумладан «аутсорсинг» асосида инжинииринг хизматларини жалб қилиш (муаллифлик ва техник назорат, | 2020 йил декабрь 2022 йил декабрь | Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (<i>Ж. Артиқходжаев</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А. Шин</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|-----|--|--|--|---|
| | оширишга жалб қилиш ҳисобига тубдан ислоҳ қилиш. | лойиҳани бошқариш) бўйича эксперимент ўтказиш. | | |
| 30. | Давлат лойиҳа-қидирув ташкилотларини трансформация қилиш | <p>1. Давлат лойиҳа-қидирув ташкилотларини молиявий ва технологик аудитдан ўтказиш учун хорижий экспертларни жалб қилиш.</p> <p>2. Ҳар бир давлат лойиҳа институти бўйича ривожлантиришнинг тижорат концепцияларини, шу жумладан техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Инвестициялар жалб қилиш ва (ёки) қурилиш ташкилотларининг давлат лойиҳа ташкилотлари билан кооперациясини таъминлаш мақсадида инвесторлар қидириш ҳамда инвесторлар ва муваффақиятли фаолият юритаётган қурилиш компаниялари билан музокаралар ўтказиш.</p> <p>4. Музокаралар якунларидан келиб чиқиб давлат акциялар (улушлар) пакетларини танлов асосида ишончли бошқарувга бериш, акцияларни қўшимча эмиссия қилган ҳолда (устав фондини кўпайтирган ҳолда) инвестицияларни жалб қилиш тўғрисида ёки бошқа келишувларга кўра бўйича битимлар тузиш.</p> <p>5. Куйидагилар орқали лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятида давлат иштироки улушкини қисқартириш:</p> <p>loyiҳa-қidiruv tashkiilotlari ustav kapitalidagi davlat akciyalar paketini сотиш;</p> <p>хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва лойиҳа-қидирув ташкилотлари акцияларини (устав фондини оширган ҳолда) қўшимча эмиссия қилиш.</p> | 2021 йил январь 2021 йил апрель 2022 йил январь Доимий равища, битимлар тузиш якунларига кўра | Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кудратов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов), Молия вазирлиги (Т. Ииметов), Давлат солик қўмитаси (Ш. Кудбиеев) |
| 31. | Кўчмас мулк обьекти давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг | 1. Тижорат банклари томонидан улушки иштирок этиш асосида кўп квартирали уйларнинг қурилиш-монтаж ишларини амалга | 2021 йил февраль | Марказий банк (М. Нурмуратов), Молия вазирлиги (Т. Ииметов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров) |

| | | | | |
|-----|---|---|---|--|
| | ипотека объектини расмийлаштириш шарти билан тижорат банклари томонидан курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш даврида бериладиган, курилишнинг улушли иштирокчилари ипотека кредити маблағлари ҳисобига қурилиш пудрат ташкилотларини молиялаштиришни тезлаштириш имкониятини тъминлаш. | ошириш даврида ипотека кредитлари босқичмабосқич берилишини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. 2. Ипотека кредити ва хужжатларни расмийлаштириш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. | 2021 йил август | |
| 32. | Курилиш кластерларини жорий этиш. | 1. Халқаро тажрибани ўрганиш, Испания, Финляндия ва бошқа мамлакатларнинг қурилиш кластерларини бориб кўриш. 2. Мувофиқлаштирувчи органни белгилаш. 3. Хорижий тажрибани ўрганиш асосида республика худудларининг эҳтиёжига қараб кластер ҳамкорлиги (ишлаб чиқариш-курилиш, инвестиция-курилиш ва лойиҳа-курилиш кластерлари) услубиятини ишлаб чиқиш. 4. Кластер усулида тажриба алмашиш ҳамда қурилиш-монтаж жараёнларининг алоҳида йўналишлари бўйича усталар ва тор ихтисослик мутахассисларини ўқитиш тизимини киритиш. 5. Иккинчи босқичда кластер ҳамкорликни қурилиш, лойиҳалаштириш ва биргаликда инвестициялаш йўналишлари бўйича кенгайтириш. | 2021 йил август 2021 йил октябрь 2022 йил февраль | Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Л. Құдратов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>), «Ўзсаноатқурилишматериаллари» ўюшмаси (<i>А. Баходиров</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 33. | Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт | 1. Халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиб, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда республика шаҳарларидаги селитеб худудларни | 2021 йил ноябрь | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, |

| | | | |
|-----|--|------------------------|--|
| | <p>инфраструктурасининг етарли қуввати билан таъминланган кўп квартирали уйларни куриш учун ер участкаларини аукционга қўйиш.</p> <p>ривожлантиришнинг тижорат концепцияларини ишлаб чиқиши:</p> <p>истиқболда урбанизациялашув жараёнлари;</p> <p>истиқболда аҳоли томонидан уй-жой мулкининг сотиб олинишига прогноз эҳтиёжни ўрганиш ва таҳлил қилиши;</p> <p>етарли қувватга эга бўлган муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасининг мавжудлиги.</p> | | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Исиметов</i>), Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Кадастр агентлиги (<i>Х. Турахужсаев</i>) |
| | <p>2. Республика шаҳарларидаги селитеб худудларни ривожлантириш концепцияларининг қоидалари ва тақдимотларини маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиши.</p> | 2022 йил мобайнида | |
| | <p>3. Инвесторларни танлашнинг аниқ мезонларини («замонавий менежмент» тизимининг жорий этилганлик даражаси, уларнинг фаолиятини бошқариш тизими, режалаштириш самарадорлигини баҳолаш), тегишли инвестиция шартларини бажаришга доир талабларни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.</p> | 2023 йил декабрь | |
| | <p>4. Кўп квартирали уйларни куриш учун ер участкаларини аукционга қўйиш режа-жадвалини ишлаб чиқиши ва сотиши.</p> | 2024-2025 йиллар | |
| 34. | <p>Курилишда анъанавий лой ғишт ўрнини босувчи энергия тежамкор қурилиш материалларининг янги турларини қўллаш имкониятларини ўрганиш.</p> <p>Куйидагиларни назарда тутувчи 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмунини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш:</p> <p>маҳаллий хом ашё асосида анъанавий лой ғишт ўрнини босувчи қурилиш материалларининг янги турларини жорий этиш масаласини ишлаб чиқиши;</p> | <p>2022 йил январь</p> | Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И. Абдураҳмонов</i>), «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси (<i>А. Баҳодиров</i>), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (<i>А. Максудов</i>), Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Энергетика вазирлиги (<i>А. Султанов</i>) |

| | | | | |
|-----|--|---|---|--|
| | | ишилб чиқариш жараёнида маҳаллий техноген чиқиндиларнинг қайта ишланмалари ва ресурс тежамкор технологиялар, табиий газ ўрнини босувчи ёнилги-энергетика ресурсларининг қайта тикланадиган ва муқобил турларини кўллаш имкониятини ўрганиш. | | |
| 35. | Табиий декоратив ва пардозлаш тошлари захираларининг янги конларини ўзлаштириш бўйича геология-қидирув ишларини тезлаштириш. | <p>1. Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта ишилб чиқариш давлат дастури доирасида табиий декоратив ва пардозлаш тошлари (гранит, мармар, травертин, габбро ва бошқалар) захираларининг янги конларини ўзлаштириш бўйича геология-қидирув ишларини олиб бориш.</p> <p>2. Ҳар бир объект бўйича қўйидагиларга оид аниқ муддатлар ва чора-тадбирларни белгилашни назарда тутувчи «тармоқ жадваллари»ни ишилб чиқиш ва тасдиқлаш:</p> <p>геология-қидирув ишларини олиб боришга геологик топшириқлар ва лойиҳа-смета хужжатларини ишилб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>прогноз ресурслар ва фойдали қазилмалар захиралари ўсишини ҳисоблаган ҳолда геология-қидирув ишларини олиб бориш;</p> <p>геология-қидирув ишларининг натижалари тўғрисидаги ҳисботларни Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси мажлисларида кўриб чиқиш учун тақдим этиш.</p> | <p>2021 — 2023 йиллар</p> <p>2021 йил февраль</p> | Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (Б. Исламов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров) |
| 36. | Курилишда энергия жиҳатидан самарадор ва энергия тежамкор материалларни қўллаш амалиётини кенгайтириш. | Курилишда энергия жиҳатидан самарадор ва энергия тежамкор материалларни (газобетон, пенобетон, полистиролбетон, базалт асосида иссиқлик сақловчи материаллар, полистирол билан тўлдирилган сэндвич панеллар ва бошқалар) қўллашни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишилб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2021 йил февраль | «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси (А. Баходиров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|--|--|---|--------------------------------------|--|
| 37. | Бино ва иншоотларнинг энергетика аудити тизимини кенг жорий этиш. | <p>1. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлик синфлари бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш.</p> | 2020 йил декабрь Доимий равишда | Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров) |
| 38. | Комплекс қурилиш синов лабораториясини ташкил қилиш. | <p>1. Комплекс қурилиш синов лабораторияси биносини қуриш ва асбоб-ускуна, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Қурилиш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмиrlаş объектларининг конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмларини синовдан ўтказиш ишларини бошлиш.</p> | 2021 йил август 2021 йил сентябрь | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ииметов) |
| IV. Шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоқча замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш | | | | |
| 39. | Жорий этилган электрон платформалар ишланини «Шаффоф қурилиш» МАТ билан қамраб олиш. | <p>1. Электрон платформаларни Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида жорий этиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда Курилиш вазирлиги тизимига кирувчи таркибий ва худудий бўлинмалар мутахассисларини улардан фойдаланиш бўйича ўқитиши.</p> <p>2. Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ўқитиши амалга ошириш ва электрон платформалардан синов тарзида фойдаланиш.</p> | 2020 йил декабрь 2021 йил февраль | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 40. | «Шаффоф қурилиш» МАТнинг электрон платформалари ва геопортални идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш. | <p>1. «Шаффоф қурилиш» МАТ ва геопортални бошқа ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш.</p> <p>2. «Шаффоф қурилиш» МАТнинг қўйидагилар билан интеграция қилинишини таъминлаш:</p> <p>электрон ҳукумат тизимлари;</p> <p>юридик шахсларнинг маълумотлар базалари;</p> <p>Ягона интерактив давлат хизматлари портали;</p> | 2021 йил январь 2021 йил март | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), Молия вазирлиги (Т. Ииметов), манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|-----|---|---|--|---|
| | | Давлат солиқ құмитаси ва Давлат статистика құмитасининг ахборот тизимлари. 3. Геопорталнинг «Ягона давлат кадастри тизими» билан интеграция қилинишини таъминлаш. | | |
| 41. | Геопортал маълумотлар базаларига ишлаб чиқилған ва тасдиқланган шаҳарсозлик хужжатларининг тўлиқ киритилишини таъминлаш. | 1. Маълумотлар базаларига ишлаб чиқилған ва тасдиқланган шаҳарсозлик хужжатларини жойлаштириш режа-жадвалини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. Маълумотлар базаларига ишлаб чиқилған ва тасдиқланган шаҳарсозлик хужжатларини жойлаштириш. | 2021 йил март Режа-жадвалга кўра | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 42. | Илмий-техник кутубхона негизида «Курилиш соҳасидаги норматив хужжатлар» маълумотлар базасини яратиш. | 1. Техник топширикни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. «Курилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар» электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиши. 3. Маълумотлар базасини қурилиш соҳасидаги норматив хужжатлар билан тўлдириши. | 2021 йил август 2022 йил декабрь 2023 йилдан бошлаб доимий равиша | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) |
| 43. | Фуқароларга курилаётган обьектлар тўғрисида мустақил равища ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш обьектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини | 1. Техник топширикни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. «Огоҳ фуқаро» ахборот тизимини ишлаб чиқиши. 3. «Огоҳ фуқаро» ахборот тизимини синов тарзида ишга тушириш. 4. «Огоҳ фуқаро» ахборот тизимидан синов тарзида фойдаланиш бошланганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиши. | 2021 йил апрель 2021 йил сентябрь 2021 йил ноябрь 2022 йил январь | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) |

| | | | | |
|-----|--|---|---|--|
| | берувчи «Огоҳ фуқаро» тизимини яратиш. | | | |
| 44. | Қурилиш вазирлиги тизимиға киравчи таркибий ва ҳудудий бўлинмаларни сервер ва компьютер асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш. | 1. Хатловдан ўтказиш ҳамда зарур сервер ва компьютер асбоб-ускуналари рўйхатини аниқлаш. 2. Сервер ва компьютер асбоб-ускуналарини сотиб олиш бўйича дастлабки ҳисоб-китоб ва буюртманомани тайёрлаш ҳамда Молия вазирлигига тақдим этиш. 3. Сервер ва компьютер асбоб-ускуналарини сотиб олишга пул маблағларини ажратиш. 4. Қурилиш вазирлиги тизимиға киравчи таркибий ва ҳудудий бўлинмаларни сервер ва компьютер асбоб-ускуналари билан таъминлаш. | 2021 йил март 2021 йил апрель 2021 йил июнь 2021 йил декабрь | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ишиметов) |
| 45. | Қурилиш вазирлиги тизимиға киравчи таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг интернет ресурсларига кенг полосали кириш имконияти билан қамраб олиш. | 1. Хатловдан ўтказиш ва интернет ресурсларига кенг полосали кириш даражасини аниқлаш. 2. Қурилиш вазирлиги тизимиға киравчи таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг интернет ресурсларига кенг полосали киришини таъминлаш учун рўйхатни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этиш. 3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан интернет-ресурсларга кенг полосали киришни таъминлаш. | 2021 йил март 2021 йил апрель 2022 йил июнь | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ишиметов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) |
| 46. | Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари ва аҳолини «Шаффоф қурилиш» МАТ электрон платформалари ва геопорталдан фойдаланишга ўқитиш. | 1. Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари ва аҳолини «Шаффоф қурилиш» МАТ электрон платформалари ва геопорталдан фойдаланишга ўқитиш режа-жадвалини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ, шу жумладан видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ўқитишни амалга ошириш. | 2020 йил декабрь 2021 йил март | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), манбаатдор вазирлик ва идоралар |
| 47. | «Шаффоф қурилиш» МАТ электрон | 1. Пресс-релиз ва тақдимот материалини ишлаб чиқиши. | 2021 йил февраль | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ўзбекистон Республикаси Президенти |

| | | | | |
|---|--|--|-------------------------------------|--|
| | платформалари ва геопортал функционалиниң оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш. | 2. «Шаффоф қурилиш» МАТ электрон платформалари ва геопортал функционалини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиши. | Доимий равища | Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) |
| 48. | Қурилиши тугалланган объектларнинг ижро тасвиrlарини геофонд маълумотлар базасига киритиш. | Қурилиши тугалланган объектларнинг ижро тасвиrlари бўлиши мажбурийлигига доир талабни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиши, келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2021 йил июль | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 49. | Ер участкалари, истиқболда, шунингдек, бино ва иншоотлар тўғрисида ахборот олиш функционалини яратиш. | 1. Геопортални қурилиш олиб бориш таклиф қилинаётган ер участкалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш қисмида Кадастр агентлигининг ахборот тизими билан интеграция қилиши. | 2021 йил июнь | Кадастр агентлиги (Х. Турахужаев), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) |
| | | 2. Геопортални кўчмас мулкнинг манзилли реестри билан интеграция қилиши. | 2021 йил август | |
| 50. | Қурилиш соҳасидаги органлар томонидан тақдим этилаётган, қурилиш соҳасидаги кўрсатилаётган давлат хизматларини таомиллаштириш. | 1. Қурилиш соҳасида кўрсатилаётган давлат хизматларини хатловдан ўтказиш. 2. Қурилиш соҳасидаги давлат хизматларини «Шаффоф қурилиш» МАТ билан интеграция қилиши. | 2021 йил апрель 2021-2022 йиллар | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) |
| 51. | Жорий этилаётган ахборот тизимлари ва электрон маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш. | 1. Ахборот хавфсизлиги таъминотини аудитдан ўтказиш. | 2021 йил сентябрь | Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (Д. Чиченков), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) |
| | | 2. Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиши. | 2022 йил октябрь | |
| | | 3. Жорий этилаётган ахборот тизимлари ва электрон маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлиги таъминотини мониторинг қилиши. | Доимий равища | |
| V. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини таомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириши | | | | |
| 52. | Архитектура-қурилиш йўналишидаги касб- | 1. «Электрон таълим» миллий тармоғига уланадиган архитектура-қурилиш йўналишидаги | 2023 йил июнь | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), Молия вазирлиги (Т. |

| | | | | |
|-----|---|---|---|---|
| | хунар таълими муассасаларини «Электрон таълим» миллий тармоғига улаш. | касб-хунар таълими муассасалари рўйхатини шакллантириш. 2. Архитектура-қурилиш йўналишидаги касб-хунар таълими муассасаларини сервер ва компьютер асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш. 3. Архитектура-қурилиш йўналишидаги касб-хунар таълими муассасаларини «Электрон таълим» миллий тармоғига улаш бўйича ижрочиларнинг қўшма қарорини қабул қилиш. | 2023 йил декабрь 2024 йил январь | <i>Ииметов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)</i> |
| 53. | Архитектура ва қурилиш соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш. | 1. Етакчи хорижий, хусусан Япония, Туркия, XXR олий таълим муассасалари билан музокаралар ўтказиш. 2. Қўйидагилар бўйича келишувлар тузиш: Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасидаги хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини очиш; хорижий архитекторлар ва муҳандисларни ўқитишга жалб қилиш; талаб энг юқори бўлган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича битирувчиларга икки томонлама диплом берган ҳолда қўшма таълим дастурларини очиш. 3. Тошкент архитектура-қурилиш институтини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш бўйича ижрочиларнинг қўйидагиларни назарда тутувчи қўшма қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш: миллий рейтингдаги позицияларини оширишни таъминлаш; унинг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига (ТОП-1000) кириши. | 2021-2022 йиллар Музокаралар якунларига кўра | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И. Мажидов</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Л. Қудратов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>) |

| | | | | |
|-----|---|---|--|--|
| 54. | <p>Архитектура-қурилиш йўналишидаги касб-хунар таълими муассасалари негизида ўқитишининг замонавий ва инновацион услубарини кўллаш.</p> | <p>1. Касб-хунар таълими муассасаларини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан қамраб олишни кенгайтириш бўйича чоратадбирлар мажмумини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Ўқитувчиларни ўқитиши ва уларнинг малакасини ошириш бўйича туркум дастурлар ишлаб чиқиши.</p> <p>3. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлган энг тажрибали ходимлар орасидан ўқитувчилар танлаб олиннишини таъминлаш.</p> <p>4. Курилиш соҳасидаги ривъжланиш тенденциялари ва амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда янги авлод тармоқ дарсликлари ва ўқув кўлланмалари туркумини тайёрлаш.</p> <p>5. Архитектура ва курилиш соҳасидаги хорижий адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқитишининг инновацион услубарини кўллаш.</p> | <p>2021 йил февраль</p> <p>2021 йил май</p> <p>Доимий равища</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2023 йилдан бошлаб</p> | <p>Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров)</p> |
| 55. | <p>Республиканинг архитектура-қурилиш коллежларида коучинглар ўтказишни жорий қилиш.</p> | <p>1. Профессионал юқори малакали коучларни таклиф қилган ҳолда тренинг ва семинарлар ўтказиш орқали ўқитувчиларни коучинг тамойиллари ва кўникмаларига ўқитиши.</p> <p>2. Коллежларни ривожлантириш стратегиясини (коуч услубидаги педагогик кенгаш) ишлаб чиқиши.</p> <p>3. Ўқитишидаги инновацион ёндашувни апробациядан ўтказиш бўйича педагогларнинг тажриба алмашишини ҳисобга олган ҳолда машғулотларга коучинг ёндашувини жорий этиши.</p> <p>4. Имтиҳонларга тайёрланишда, ўз мақсадларини белгилашда ва касбга йўналтиришда психологик-педагогик кузатув остида таълим олаётганлар учун коучинг-сессиялар ўтказиши.</p> | <p>2021 йил мобайнида</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йил охиригача</p> <p>2023 йилдан бошлаб, доимий равища</p> | <p>Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров)</p> |

| | | | | |
|-----|--|--|--|--|
| | | 5. Педагогик кенгащ, ижодий гурухлар йигилишлари, лабораториялар ишини олиб борища коуч услугидан фойдаланиш. | 2023 йилдан бошлаб доимий равища | |
| 56. | Қисқа муддатли курслар доирасида курилиш соҳасидаги тор ихтисослик мутахассисларини ўқитиш. | 1. Ишлаб чиқариш таълимнинг малакали усталари ва мухандис-техник ходимларни ўқитиш учун жалб қилиш. 2. Қисқа муддатли курсларни жорий этиш ва курилиш соҳасидаги тор ихтисослик мутахассисларини ўқитиш. 3. Таълим олувчиларнинг танланган касбга мувофиқ мутахассислигини идентификация қилувчи маҳсус касбга мувофиқлик сертификатларини бериш. 4. Сертификатларнинг QR-коди ва маълумотлар базасини интеграция қилиш йўли билан мутахассисларни аниқлаб олиш тизимини яратиш. | 2020-2021 йиллар 2021 йил январь Курслар тугагандан сўнг 2021 йил декабрь | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Н. Ҳусанов</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И. Мажидов</i>) |
| 57. | Мослаштириш марказларини ҳамда технологиялар ва инновацияларни трансфер қилишни ривожлантириш. | Қуйидагиларни назарда тутган холда 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмuinи ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: илем-фан ва реал секторнинг самарали ўзаро алоқаси механизмларини шакллантириш; курилиш тармоғи иштирокчиларининг билим, кўнукма ва технологик ечимларга бўлган эҳтиёжларини мунтазам равища мониторинг қилиш; архитектура ва курилиш соҳасида олиб борилаётган фундаментал, қидирав ва амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар самарадорлигини ошириш. | 2021 йил март | Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И. Абдураҳмонов</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>) |
| 58. | Истеъоддли ёшларни архитектура ва қурилиш фанлари соҳасидаги илмий ва ижодий | 1. Ёш олимлар учун касбий танловлар тизимини жорий этиш. 2. Суҳбат ўтказиш ҳамда истеъоддли мутахассисларни лойиха ва қурилиш пудрат | 2021 йил март Доимий равища | Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И. Абдураҳмонов</i>), Қурилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Н. Ҳусанов</i>) |

| | | | | |
|-----|--|---|----------------------------------|---|
| | фаолиятга жалб этишни рағбатлантириш тизимини яратиш. | ташкилотларига ишга жойлаштириш чораларини кўриш. | | |
| 59. | Архитектура ва курилиш соҳасидаги илмий салоҳият натижадорлигини ошириш. | <p>1. Ўзаро манбаатли халқаро илмий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, маҳаллий олимлар ва ташкилотларнинг халқаро илмий уюшмалар ва бошқа профессионал бирлашмаларда иштирок этишини таъминлаш тизимини яратиш.</p> <p>2. Архитектура ва курилиш соҳасидаги журналлар рейтингини ошириш чораларини кўриш.</p> | 2022 йил май Доимий равиша | Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И. Абдурахмонов</i>), Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И. Мажидов</i>) |
| 60. | Кадрларни бошқариш тизимини ривожлантириш ҳамда курилиш органлари ва муассасалари тизимига малакали ходимларни жалб қилиш. | <p>1. Бошқариш, малака талаблари асосида кадрларни танлаб олишнинг замонавий услубларини жорий этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Куйидагиларни назарда тутувчи идоравий хужжатни ишлаб чиқиши:</p> <p>HR-менежмент тизимини жорий қилиш, шу асосда Курилиш вазирлигининг ижобий имижини, кадрларни қўллаб-қувватлаш, бошқариш ва назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш;</p> <p>кадрларга оид маркетинг тизимини фаоллаштириш, малакали кадрларни жалб қилишга қаратилган рекрутментнинг янги услубларини (онлайн-рекрутмент, фаол хедхантинг) жорий этиш;</p> <p>кадрларга оид контроллинг тизимини (ўзини ўзи назорат қилиш тизимини) ривожлантириш;</p> <p>Курилиш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш ва</p> | 2021 йил июнь 2021 йил август | Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>) |

| | | | |
|-----|--|--------------------|-------------------------------|
| | <p>мувофиқлаштириш учун коррупцияга қарши курашиш комплаенс тизимини жорий этиш.</p> <p>3. Қуйидагилар бўйича ташкилий-техник чоратадбирларни амалга ошириш:</p> <p>курилиш органлари ва муассасалари ходимлари учун халқаро экспертлар иштирокида хорижий амалиёт, семинарлар, маҳорат дарслари ва ўқув курсларини ташкил этиш;</p> <p>қонун ҳужжатларидағи янгиликлар ва долзарб муаммоларни ҳисобга олган ҳолда Курниш вазирлиги тизими ходимлари учун ўқув дастурларини яратиш ва янгилаш;</p> <p>мехнат жамоасини профессионализм, ходимларнинг янгиликларга (стресс-менежмент, тайм-менежмент, тимбилдинг ва бошқалар) интилувчанлиги ва мослашувчанлигига эришиш мақсадида ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш.</p> | 2021 — 2023 йиллар | |
| 61. | <p>Ходимларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>Куйидагиларни ўз ичига оловчи KPI тизимини жорий қилиш:</p> <p>ходимларга сифат ва сон жиҳатидан талаблар ва кўрсаткичлар қўйиш, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини аниқлаш;</p> <p>илгор ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали ижро интизомини баҳолаш;</p> <p>кадрлар малакасини ошириш тизимидағи ўзгаришларни кузатиб бориши;</p> <p>иш ҳақи тўлашнинг янги услубларини жорий қилиш (ходимлар фаолияти самарадорлигининг</p> | 2021 йил август | Курниш вазирлиги (Б. Закиров) |

| | | | | |
|-----|---|--|-------------------|---|
| | | рейтинг тизими мезонларини, идоравий рағбатлантириш дастурларини янгилаш). | | |
| 62. | Ахборот-таҳлилий марказ тузиш орқали таҳлил ва статистик ҳисбот тизимини ислоҳ қилиш. | 1. Давлат-хусусий шериклик механизмларини жалб қилган ҳолда ахборот-таҳлилий марказини тузиш масаласини ишлаб чиқиш. 2. Молиялаштириш ва ўзаро алоқа қилиш схемасини аниқлаш. | 2021 йил июнь | Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Молия вазирлиги (Т. Ииметов), Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов) |
| | | 3. Марказнинг асосий вазифалари этиб шаҳарсозлик фаолияти статистикасини тўплаш (асосан автоматик режимда) ва уни таҳлил қилиш, предиктив моделларни қуриш имконини берувчи таклифларни ишлаб чиқишни белг??аган ҳолда марказни тузиш тўғрисидаги норматив-хуқуқий хужжатни ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш. | 2021 йил сентябрь | |
| | | | 2022 йил октябрь | |